



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Йигиталиева Зилола Муратовна

Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси

ТИЛДА МОДУС ИФОДАЛОВЧИ ЛЕКСИК ВОСИТАЛАР ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Мазкур мақолада лексик воситалар нутқ субъектининг воқеликка нисбатан бирламчи муносабатини, яъни модусини ифодаловчи восита сифатида ўрганилади. Ҳар бир нутқ субъекти модусни ўзига хос тарзда ифодалаши, бир турдаги лексик воситалар ёрдамида турли мазмундаги модуслар намоён бўлиши ҳақидаги фикрлар илгари сурилади. Шунингдек, мақолада сўз ўзагининг такрорий қўлланиши, жаргонлар ва турғун сўз бирикмалари, миллийликни акс эттирувчи ўргилай, айланай, опа (опоси), ака, жон, бўпти, қоқиндиқ каби сўзлар ҳам субъектив бўёққа эга эканлиги ва уларда сўзловчининг вазиятга нисбатан берган ижобий ёки салбий баҳоси ҳамда суҳбатдошининг амалга оширган хатти-ҳаракатига билдирган муносабати ифодаланиши таъкидланади.

Калит сўз ва иборалар: Модус, ҳолат феъллари, модал сўзлар, ундов сўзлар, субъектив баҳо, салбий муносабат, ижобий муносабат.

Анъанавий тилшуносликда тил сатҳлари тушунчаларининг ажратилиши, бу борада фонетик-фонологик, лексик ҳамда грамматик сатҳ ва уларнинг бирликларига эътибор бериш тенденцияси биринчи планга қўйилди. Мана шу тенденция асосида ҳар бир сатҳга хос бирликларнинг таркиби ва ўзига хос хусусиятлари ўрганилди. Ҳатто синтактик сатҳ бирликлари ҳисобланган гап ва унга берилган таърифлар ҳам, бу бирликнинг тил ва нутқ тизимидаги моделлари ҳам ўрганилди. Гапнинг шакллий структураси ўрганилгани ҳолда унинг таркибидаги мазмуний структура ва унинг шаклланиши, пропозицияни ифодаловчи лисоний система элементлари ва уларнинг ўзаро муносабати эътибордан четта қолди. Семантика, синтактика каби масалаларга катта эътибор берилгани ҳолда прагматика муаммолари тилшунослар эътиборидан четта қолди. Рус тилшунослигида Е.В.Падучева “О семантике синтаксиса” [9],

Н.Д.Арутюнованинг “Предложение и его смысл” [1] номли асарининг юзага келиши, ўзбек тилшунослигида ҳам шу соҳадаги тадқиқотларга йўл очди. Жумладан, “Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси” [8], “Семантика” [10] каби тадқиқотлар семантика ва синтаксис масалалари билан боғлиқ изланишларнинг юзага келишига туртки бўлди. Хусусан, гапнинг мазмуний структураси лексик система элементларига боғлиқ эканлиги таъкидлана бошланди, луғавий бирликлар гап ва матн семантикасининг асоси деб қаралди. “Гап маъноси лексема маъноларидан, сўз формаларининг грамматик маъноларидан ва синтактик конструкцияларнинг маъноларидан ташкил топади. Шунинг учун ҳам синтактик семантика тавсифи лексик ва морфологик семантикани бир бутун гап семантикасини тавсифлаш компоненти бўлиши керак” [7, 59]. Айниқса, бу борадаги қарашлар проф. Р.Қўнғуров томонидан айтилган фикрларда ўз исботини топади. Хусусан, тилнинг модал структурасига бағишланган махсус тадқиқотларда модал маъно ифодаловчи лексик система элементлари тўғрисида ҳеч қандай фикр билдирилмаслиги танқид остига олинади. Бу фикрни қуйидаги иқтибосда ҳам кўриш мумкин: “Модал сўзларни ўрганишга бағишланган ишларда эса бу ҳақида лом-мим дейилмайди. Масалан, *гул, ой, чироқ, йўлбарс, бўта, қўзи, гунча* каби сўзлар семантикасида ҳеч қандай эмоционаллик йўқ. Аммо айрим грамматик формаларнинг ўзи учун типик бўлмаган қуршовда, контекстда ишлатилиш натижасида ёки махсус интонация ёрдамида бундай сўзлар ҳам сўзловчининг нутқ қаратилган объектга муносабатини кўрсатиши мумкин” [5, 34].

Проф. Ш.Сафаров ўзининг “Семантика” номли асарида генератив тилшунослик ҳақида фикр юритар экан, семантика ва синтаксис соҳаларининг ўзаро муносабати ва уларнинг бири иккинчисисиз мавжуд эмаслиги ҳақидаги қарашларини баён қилади. Бизнинг назаримизда, семантика тушунчаси дастлаб тор маънода фақат луғавий бирликларга нисбатан ишлатилган бўлса, кейинчалик тилнинг юқори сатҳ бирликларига нисбатан ҳам қўллана бошланди. Айниқса, гапнинг мазмуний тузилишида луғавий бирликлар муҳим ўрин тута бошлади. Шунинг учун ҳам гап ёки матн таркибидаги диктум ва модуснинг мавжудлиги луғавий бирликларга боғлиқ бўлиб қолди, лексик система элементларининг гап таркибида жойлашуви эса сўзловчининг коммуникатив ниятини ифодалаш учун хизмат қила бошлади. Айни пайтда тилнинг модал структурасидан диктум ва модуснинг ажратилиши актуаллашиш назарияси ёки концепцияси асосида амалга оширилди. “Натижада грамматиканинг синтаксисга оид қатлами икки қисмдан таркиб топиши ... генератив қисми ядровий, ўзак тузилмаларни яратувчи ёки ҳосил қилувчи қоидалар тизимидан иборат бўлса, трансформациялар грамматикаси деб аталган иккинчи қисмда тўпланадиган қоидаларнинг вазифаси кичик миқдордаги “ўзак” гаплардан чекланмаган миқдордаги турли тузилишдаги гапларни ҳосил қилишдир” [10, 192]. Лексик сатҳга тааллуқли луғавий бирликлар гап семантик структураси асосини ташкил қила бошлади. Юқорида таъкидланганидек, тилнинг лексик сатҳига оид бирликлар ва тилнинг грамматик моделлари система сифатида нутқий мулоқотнинг асосини ташкил қилди. Гап семантик структураси, пропозиция, гапнинг модал таркиби каби тушунчалар луғавий бирликлар асосида шаклланди. Тилшуносликда генератив лингвистика тушунчасининг пайдо бўлиши семантика ва синтактика масалаларига ойдинлик киритишга имконият яратди. Аслида сўз ва унинг маъноси ёки синтактик моделлар, грамматик қоидалар ҳар бири ўз ўзича нутқ ёки матнни ҳосил қилмайди. Проф.Ш.Сафаров тўғри таъкидлаганидек, “сўзлар валентлиги буюртмаси билан ҳосил бўладиган тузилма тўғридан-тўғри, бевосита синтаксис ҳам

бўла олмайди, грамматика ҳам маъносиз, синтаксис қумлоқда чизилган шаклга ўхшайди, ҳар қандай лисоний тузилманинг қиймат-қиммати унинг нутқий воқеланишида, мазмун олишида кўринади” [10, 193]. Кўринадики, ҳар қандай гап ёки матн мазмуни луғавий бирликлар ёрдамида шаклланади, пропозиция ва унинг таркиби деб ҳисобланган диктум ва модус каби тилнинг модал структураси мустақил ва ёрдамчи сўзлардан иборат қисмлар билан синтаксиснинг бўш ўринлари тўлдирилади. Шунинг учун ҳам диктум асосида ифодаланган модус моҳияти лексик системанинг баҳога асосланган бўёқлари билан юзага чиқади.

Юқоридаги фикрлар асосида ҳеч иккиланмай таъкидлаш мумкинки, аксарият ҳолларда, модус луғавий бирликлар орқали ифодаланади. Бунда сўз ёки турғун бирликлар модус маъно ташувчи восита бўлиб хизмат қилади. Нутққа модус маъно берувчи лексик бирликлар ичида энг соддаси бу хис-туйғуни ифодаловчи ҳолат феъллари ҳисобланади. Улардан фойдаланиш орқали сўзловчи ўзининг шахсий муносабатини сўз орқали номлайди ва уни қўллаш орқали модус нутққа бевосита мазмун беради. Тилдаги бошқа феъллардан фарқли ҳолда *ҳайратланмоқ*, *норози бўлмоқ*, *қўрқмоқ*, *ажабланмоқ*, *ийгламоқ* каби феъллар нутқ субъекти онгида коммуникатив вазиятга нисбатан шаклланган реакцияга асосланган муносабатларни ифодалайди.

Эшикни очиб, танчали уй ичкарасига бир одим ташлади-ю, ҳайратланиб тўхтади.

(Т.Малик, Шайтанат)

Бола анчагача уйқу гашиги билан йиғлади, кейин отасининг газабидан, онасининг аҳволидан кўрқиб, кампир ўргатганча дуо қилди.

(А.Қаххор, Бемор)

Демак, юқорида таъкидланган феъллар маъноси сўзловчи шахс онгида шаклланган эмоция, муносабатга мос ифода шакли ҳисобланади. Юқорида келтирилган мисоллар ва улар таркибидаги луғавий бирликларнинг прагматик жиҳати онгда вазиятни идрок қилиниши ва репрезентацияланишидир.

Грамматиканинг морфология бўлимида алоҳида сўз туркуми сифатида ажратилган модал сўзлар, синтаксисда кириш бўлақлар деб номланувчи гап бўлақлари нутқда сўз сифатида лексик бирликлар сирасига киради ва субъективликни ифодалайди. Булар *эхтимол*, *шубҳасиз*, *балки*, *албатта*, *ҳақиқатан*, *дарҳақиқат*, *ростдан ҳам*, *ўз-ўзидан*, *албатта*, *сўзсиз*, *шекилли*, *чамаси*, *афтидан*, *ҳойна-ҳой*, *чоғи*, *мазмуни*, *менимча*, *айтишларича*, *хуллас*, *ниҳоят*, *бахтимга*, *афсуски*, *мабодо*, *назарида*, *афтидан*, *шундай қилиб*, *(-нинг) ҳисоблашича*, *(-нинг) айтишича* каби сўзлардир.

Кўшиллардан бирортаси эски-тускиларни ёндиряпти шекилли, деб ўйлади.

(С.Аҳмад, Қоракўз мажнун)

Унинг назарида, ўша одам ҳақиқатан инвалид бўлиб, яраси очилганлиги орқасида кўнгли озган, ҳозир ҳушига келиб, ариқ бўйида инқиллаб ётгандай бўлди.

(А.Қаххор, Каравот)

Унинг назарида аяси пальтонинг оғирлигидан қийналиб инқиллаётганга ўхшарди.

(Т.Малик, Шайтанат)

Юқорида берилган мисоллардаги алоҳида ажратиб кўрсатилган сўзларнинг ҳар бири турлича маънога эга бўлиб, маълум даражада гапга субъектив бўёқ беради. Мазкур сўзларни маъносига кўра, қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин: тасдиқловчи, гумон, тахминни англатувчи, фикрнинг кимга қарашли эканлигини билдирувчи, ажабланиш, афсусланиш ва фикрга нисбатан берилган баҳони ифодаловчи сўзлар.

Шунингдек, тилда шундай сўзлар борки, улар нутқда субъектив маъно ифодалаш билан бирга матнда ўзига хос миллий колоритни ифодалаш учун хизмат қилади. Этномаданий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, айрим тилшунослар модусни “миллий коммуникатив ахлоқ параметри” [11, 51], деб атайдилар. Миллийликни акс эттирувчи бундай лексик бирликларга ўзбек тилида *ўргилай, айланай, она (опоси), ака, жон, бўпти, қоқиндиқ* каби сўзлар киради. *Жон* сўзи нутқда атоқли ёки предмет ва ҳодисани англатувчи оддан олдин кўмакчи сўз вазифасини бажаради. “Кўмакчи функциясини бажарувчи сўзнинг асосий сўздан олдин қўлланилиши тожик тилининг ўзбек тилига бўлган таъсири сабабли бўлиши мумкин: М.: *жон қизим*” [3, 16]. Нутқнинг оғзаки шаклида у қўлланган ҳолларда мурожаат таркибида келади ва ҳурмат, илтимос, ялиниш каби модусларни ифодалайди. Шунингдек, сўзловчи *жон* сўздан фойдаланиш орқали адресатни ўзига яқин инсон деб ҳисоблашини ифода этади.

➤ *Жон ошнам, мени қийнама. Ҳозир менга ёрдамнинг керак.*

(Т.Малик, Шайтанат)

Жон сўзи нутқда аффикс вазифасини бажарганида ҳам ўзининг модус компонентларини сақлаб қолади ва нутққа ҳурмат, меҳр, эркалаш, ҳазил ёки нафрат оттенкаларини бериб туради [3, 11].

Ўргилай, айланай сўзлари аксарият ҳолларда аёллар нутқига хос бўлиб, самимийлик, эркалатиш модусини ифодалайди.

➤ *Насиҳат қилинг, ўргилай,— деди муҳим бир сирни айтаётгандай пичирлаб.*

(Ў.Ҳошимов, Уч хил одам)

➤ *Вой, ўзимнинг тойчоқ ўғлимдан айланай!*

(Ў.Ҳошимов, Дунёнинг ишлари)

Ўзбек тилида бу сўзлар миллий колоритни ҳосил қилиши билан бирга, миллат аёлларига хос мулойимлик, латифлик ва юмшоққўнгиллик белгиларини акс эттиради. Бу эса ўз-ўзидан сўзловчининг тингловчига бўлган муносабати негизида шаклланади. *Бўпти* сўзи муроса модусини ифодалаган ҳолда сўзловчининг айтилган фикрга қўшилишини, кўнганлигини англатади.

➤ *Бўпти, сен ҳақсан. Баҳслашган билан қорин тўймайди. Нарсаларингни йиғиштир.*

(Т.Малик, Шайтанат)

Юқоридаги мисолдан кўринадик, *бўпти* сўзи зиддиятли вазиятларни нутқий акт иштирокчилари томонидан юмшатиш мақсадида қўлланилади. Айни пайтда *бўпти* сўзи баҳс-мунозарани яқунлаш ва кўзланган мақсадни тезроқ амалга ошириш керак эканлигини билдиради.

Сўз ўзагини такрорлаш орқали ҳосил бўлган сифат ёки равишнинг орттирма даражалари нутқда хоҳиш, кўрқув каби туйғулар ифодаси билан боғлиқ субъектив

баҳони ифодалаш мумкин. Проф. Р.Қўнғуров ўзининг “Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари” номли монографиясида “сўзловчининг объектив борлиққа ёки ўз нутқиға ўзи томонидан белгиланадиган салбий ёки ижобий муносабати грамматикада модаллик категорияси термини билан юритилиши”ни [5, 33] таъкидлайди.

Хотин, ранги оппоқ, кўзларини катта-катта очиб унга ваҳимали назар билан қарар ва бошини чайқаб пичирлар эди.

(А. Қаҳҳор, Анор)

У: “Дадам иккаласини уриб-уриб кўчаға отворсалар эди”, деб жуда-жуда истаган эди.

(Т.Малик, Шайтанат)

Кўзини катта-катта очмоқ ифодаси орқали ўзбек тилида ҳайратланиш, қўрқини каби маънолар ифодаланади. Сўз ўзагининг такрорий қўлланиши бирор ҳодиса ёки воқеанинг тезроқ амалга ошиши ҳақидаги эмоциялар кучли эканлигини билдиради ва уларға бўлган салбий ёки ижобий муносабатни бўрттириб кўрасатишға хизмат қилади. Жаргонлар ва турғун сўз бирикмалари ҳам шундай субъектив бўёққа эгадир. Уларда сўзловчининг вазиятға нисбатан берган ижобий ёки салбий баҳоси ва, шунингдек, суҳбатдошининг амалга оширган хатти-ҳаракатига билдирган муносабати ифодаланади.

Нутқий фаолият пайтида модусни ифодаловчи яна бир лингвистик бирлик — бу, ундов сўзлардир. Ундов сўзлар тилнинг луғат таркибининг кам миқдорини ташкил қилиб, асосан, нутқни ихчамлаштиришға хизмат қилади. Аммо улар шу ихчам ифода шакли билан, ўз навбатида, лексик бирликлар билан бойитилган мазмуни тугалланган жумлалар мазмунини ифодалай олади. Уларнинг бу хусусияти нутқда сўзларни тежаш билан бирга, жумлаларнинг экспрессивлик даражасини оширади. Биргина чақирилганда қўлланиладиган *Ҳо!* ундов сўзи семантик-функционал жиҳатдан *Лаббай!* // *Ҳа, нима демоқчисиз?* // *Эшитаман, гапираверинг!* // *Хизматингизға тайёрман.* // *Сизға зўрға чидаб турибман.* // *Жонимға тегиб кетдингиз.* каби мазмунлардан бирини ифодалаш мумкин.

Ҳар бир ундов сўз ўзининг муайян семантикасиға ёки бир неча маъноға эга бўлиши мумкин. Ундов сўзнинг қайси маънода қўлланилаётгани амалдаги коммуникатив муҳит ва фонетик хусусиятларға боғлиқ бўлади. *Э-э!* ундов сўзини чўзиқ, кулгу билан талаффуз қилиш, кимгадир қитмирлик қилишни, “ҳали шунақами, билмаган эканман” каби модусларни англатиши мумкин, уни қисқа ва кучли урғу билан талаффуз қилиш эса норозиликни, рад этишни билдириши мумкин:

Э, саломат бўлинг! Бўлди, от керак эмас!

(А.Қаҳҳор, Каравот)

Шундай қилиб, ундов сўзлар орқали сўзловчининг турли ҳис-туйғулари ифодаланади. Шунга кўра, Ш.Балли ундов сўзларни уч гуруҳға бўлади: биринчи гуруҳни турли эмоцияларни ифодаловчи ундовлар, иккинчи гуруҳни эса воқеа ва вазиятни тасвирловчи ономотопеялар ташкил этади. Ундов сўзларнинг учинчи гуруҳи нутқда сигнал вазифасини бажарувчи кўрсатмали сўзлардан иборатдир. Булардан фақат биринчи гуруҳ сўзларигина модал маънони ифодалайди [2, 51].

А.Мўминованинг “Француз, ўзбек ва рус тилларида ундашни ифодаловчи тил бирликларининг лингвмаданий хусусиятлари” номли илмий ишида “ундаш модаллик категорияси негизида шаклланган” [6, 10] ва сўзловчини ҳаракатга йўналтирадиган мустақил нутқий категория эканлиги таъкидланади. Ўзбек тилшунослигида ундов сўздан сўз туркуми маъносидан ташқари, “ундаш тушунчасини ифодалашда ҳам фойдаланилади” [6, 11]. Шунингдек, ундов “ҳис-ҳаяжонни ифодаловчи гап тури сифатида ҳам қўлланилади” [6, 11]. Ундаш нутқий акт турларидан бири бўлиб, унда сўзловчининг хоҳишига кўра тингловчи бирон ҳаракатни бажариши лозимлиги ифодаланади. Шундай қилиб, ундаш бу сўзловчининг хоҳиши, истаги, ниятини ўзида акс эттирувчи нутқий фаолият бўлиб, модус ҳодисаси заминиди шаклланади. Демак, ундашнинг “прескриптив, реквестив ва суггестив”¹ каби барча турларида сўзловчининг субъектив муносабати ифодаланади. Прескриптив ундашларга *буйруқ, фармойиш, рухсат, таъқиқ, йўл-йўриқ*; реквестив ундашларга *илтимос, ўтинч, таклиф*; суггестив ундашларга эса *маслаҳат, тавсия ва огоҳлантириш* [6, 11] каби нутқий актлар киритилади. Масалан:

Олимбоев кўзойнак ортидан "Ҳалиям шу ердамисан" дегандек истеҳзоли қараб қўйди.

➤ *Жойингизга боринг!*

(Ў.Ҳошимов, Уч хил одам)

Ушбу мисолда берилган *Жойингизга боринг* жумласи буйруқни ифодалаб, ундашнинг прескриптив турига киради.

➤ *Насиҳат қилинг ўргилай,— деди муҳим бир сирни айтаётгандай пичирлаб.*

(Ў.Ҳошимов, Уч хил одам)

Ундаш шаклида тузилган ушбу жумлада илтимос мазмуни ифодаланмоқда. Бундан ташқари, ундашлар таклиф ва огоҳлантириш мазмунида ҳам келиши мумкин. Ундашнинг таклиф туридан сўзловчи ўз суҳбатдошини бирор бир ҳаракатни амалга ошириш учун даъват қилишда фойдаланади. Бунда гапдаги феъл буйруқ майлида келиб, гапнинг интонацияси орқали таклиф мазмунини ифодалайди:

➤ *Чой ичинг, — деди у дўриллаб.*

(Ў.Ҳошимов, Уч хил одам)

Мисолдаги *дўриллаб* равишдоши эса нутқ вазиятига кўра сўзловчининг шахс хусусиятлари ва суносабатини англатади. Адресантнинг бирор-бир ҳаракатни бажариши лозимлигини ифодаловчи ундашнинг яна бир кўриниши бу огоҳлантиришдир. Адресант контекстга қараб ҳаракатни бажаришдан ёки уни бажармасликдан огоҳлантирилади. Бунда феъл хабар майлида ифодаланади. “Огоҳлантириш махсус сўзлар ва феъл шакллари билан берилар экан, унинг ифодаси сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги статус, ёш ва ижтимоий келиб чиқишга қараб белгиланади” [6, 19]. Бу эса сўзловчининг тингловчига бўлган субъектив муносабатини ифодалайди.

➤ *Эндиям талашсанг калтакнинг бундан каттасини ейсан!*

¹ *Адресатга иш-ҳаракатни амалга оширишни буюрувчи гап-жумлалар, сўзловчи манфаатини кўзлаб бажариладиган иш-ҳаракатни амалга оширишга ундовчи гап-жумлалар, маслаҳатни ифодаловчи гап-жумлалар.*

(Ў.Ҳошимов, Уч хил одам)

Тилнинг модал структураси нафақат суперсегмент бирликлар, балки луғавий бирликлар орқали ҳам юзага чиқади. Юқоридаги таҳлилларда ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси, семантика, синтаксис ҳамда актуаллашиш назарияси каби концепциялар асосида прагматика соҳасининг асосий масалаларидан бири ҳисобланган модус ва уни ифодаловчи луғавий бирликлар синтактик-стилистик планда илмий ва назарий жиҳатдан асослаб берилди.

Адабиётлар:

1. Арутюнова Н.Д. Предложение и его смысл. – М., 1976.
2. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М: 1955.
3. Икрамова Р. Модальные формы имен существительных в современном узбекском языке. Автореф. дис.... канд.филол.наук. –Ташкент, 1967.
4. Ёигиталиева, З. М. (2020). МАТНДА МОДУСНИНГ ИФОДАЛАНИШ УСУЛЛАРИ. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 3(2).
5. Қўнғуров Р. Субъектив баҳо формаларининг семантик ва стилистик хусусиятлари. – Тошкент, 1980.
6. Мўминова А.А. Француз, ўзбек ва рус тилларида ундашни ифодаловчи тил бирликларининг лингвомаданий хусусиятлари: Филол. фан. бўйича фалсафа докт. (PhD) ...дисс. автореф. – Тошкент, 2018.
7. Нурмонов А. Гап ҳақидаги синтактик назариялар. Тошкент 1988.
8. А.Нурмонов ва бошқалар. Ўзбек тилининг мазмуний синтаксиси.
9. Падучева Е.В. О семантике синтаксиса. – М., 1974.
10. Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013.
11. Седых А.П. Пропозиция, модус, диктум в национальных языках // Научные ведомости. - 2008. -15 (55)
12. Muratovna, Y. Z. (2020, November). EXPRESSION OF EMOTION IN MIMIC MODE. In *Archive of Conferences* (Vol. 9, No. 1, pp. 145-147).
13. Yigitaliyeva Z.M. (2020) ABOUT FUNCTIONAL SYNACTIC ASPECTS OF MODALITY AND MODUS. *Scientific Bulletin of Namangan State University*. 266-272 р
14. Yigitaliyeva, Z. (2020). EXPRESSION OF THE MODUS BY PARALINGUISTIC MEANS. *Theoretical & Applied Science*, (2), 25-29.
15. Yigitaliyeva, Z. M. (2019). Methods of modus expression in Uzbek publicistic texts. *International Journal of Student Research*, (3), 84-87.